

ЭНЕРГЕТИКА СОҶАСИДАГИ МУҶИМ ТАДҚИҚОТЛАР

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти, «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик компанияси, Наманган муҳандислик-педагогика институти билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда энергетика соноатида эришилаётган ютуқларни намойиш этиш, етакчи хорижий олимлар билан тажриба алмашиш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, илмий тадқиқот ишларининг маҳсулини ташқи бозорга олиб чиқиш каби қатор масалалар муҳокама қилинди.

Конференцияда мазкур университетда қайта тикланадиган энергия манбалари йўналишларидан бири — гидроэнергетика бўйича мутахассислар тайёрланаётгани, эндиликда ушбу йўналишни кенгайтириш мақсадида қуёш, шамол ва биогаз

технологиялари бўйича ҳам мутахассис тайёрлаш режалаштирилаётгани таъкидланди.

— Анжуманда янги қурилма билан иштирок этишман. Қуёш энергияси деганда, асосан уни иссиқлик энергиясига айлантиришни ёки сувни иситишни тушунамиз. Лекин қуёш энергиясидан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин, — дейди Тошкент давлат техника университети 2-курс магистранти Исфандиёр Камолов. — Яратган қурилмамни технологик машиналарни бошқаришда қўллаш мумкин. Бундай қурилмаларни мамлакатимизнинг чегара ҳудудларига ўрнатиш рация ва турли кичик қувватли воситалардан фойдаланиш имконини беради. Бунда узоқ масофалардан сим ва кабеллар тортиб келиш шарт эмас.

Анжуманда соҳанинг етакчи мутахассислари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, илмий-текшириш институтла-



ри ходимлари, катта илмий ходим-изланувчилар, иқтидорли магистрант ва талабалар иштирок этди.

Президентимизнинг 2011 йилдаги қарорига асосан Тошкент давлат техника университетида энергетика соҳаси бўйича илмий-техник таълим учун назарий ва амалий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи янги Энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчан энергия манбалари илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилган эди.

— Анжуман давомида истиқ-

болли режалар тўғрисида маълумотлар тингладик. Уларда илгари сурилган қуёш элементлари ёрдамида олинадиган шамол ва ёқилги энергиясидан фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар эътиборга молик, — дейди халқаро алоқа академияси академиги, Тошкент темир йўл муҳандислари институти профессори Абдулҳақ Холиқов. — Шўъба йиғилишида темир йўл транспортда энергетиканинг қўлланилиши, тезюрар поездларнинг ҳаракатини таъминлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдик.

Республикамизнинг қуёш

энергиясидан фойдаланиш салоҳияти юқори. Шу мақсадда Юртбошимиз ташаббуси билан 2015 йилдан Самарқанд вилоятида қуёш электр станциясининг қурилиши режалаштирилган. Ҳозирда мазкур қурилишни амалга ошириш мақсадида тендер эълон қилинган бўлиб, унда ривожланган давлатлар ўз лойиҳалари билан иштирок этмоқда. Кейинчалик бундай станцияларнинг Навоий вилоятида ҳам бунёд этилиши кутилмоқда.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири



Ёш мўйқалам соҳиблари ижодида Ватан мадҳи

Ёшлар ижод саройида «Тошкент қувончлари» V халқаро болалар расмлари биенналесининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари, Ташқи ишлар ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Бадий академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу халқаро кўргазмада маданият ва санъат намояндалари, рассомлар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов юртимизда ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор, уларнинг ижодий истеъдодларини намойиш этиш учун яратилган шароитлар ҳақида тўхтади.

«Тошкент қувончлари» халқаро биенналесининг истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, хорижий давлатлар ёшларининг ўзбек миллий урф-одат ва анъаналари, тарихий обидаларимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қилади.

2006 йилдан буён ўтказиб келинаётган кўргазмада бу йил ўзбекистонлик ёш рассомлар билан бирга АҚШ, Хитой, Қозоғистон, Россия, Малайзия, Латвия, Ҳиндистон, Озарбойжон, Миср, Исроил, Франция каби 26 мамлакат болаларининг уч мингдан ортиқ ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

— Танловда «Менинг Ватаним», «Болаларга муҳаббат», «Болалар дунёси» каби ишларим билан қатнашмоқдаман, — дейди ўн бир ёшли иштирокчи Моҳинур Тўхтаева. — Кўргазмада юртимиз ва бошқа мамлакатлардаги тенгдошларимнинг ижодий ишлари билан танишаётиман. Бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим.

Тўрт кун давом этадиган кўргазмада иштирокчиларга турли номинациялар бўйича етти олтин, кумуш ва бронза медаллар топширилади. «Тошкент қувончлари» халқаро биенналесининг очилиш маросими доирасида болалар ижодий жамоаларининг бадий чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Н.ҲАСАНОВА

Алага меҳр

Алла айтай ўзингаё,
жоним болам, алла,
Уйку келсин кўзингаё,
жоним болам, аллаё алла.
Алла жонинг роҳатиё,
қўзим болам, алла,
Уйку кўзинг қувватиё,
ширин болам, аллаё алла.

Севимли шоиримиз Чўлпон айтганидек, «Бир бола ухлამаса, алла айтадилар. Бола тез ухлаб кетар. Чунки, ул андин бир лаззат ҳис қилур». Бу ифодада алланинг энг мўъжизакор хислати — гўдакнинг руҳиятига таъсири акс этган.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган «Онам айтган аллалар» фестивалида сеҳрли оҳанги билан боланинг кўнги дунёсига миллий руҳни жойловчи алла тараннум этилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан илк бор ўтказилган ушбу фестиваль



Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган суратлар

Йўғрилган дилларга илоҳий қувват беради

дилларга
илоҳий
қувват
беради



ёш авлоднинг маънавий тарбиясини бойитиш, қалби ва онгига эзгу гояларни сингдириш, Ватанга, умрбоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида вояга етказишда тутган ўрни алоҳидадир.

Фестивалда мусиқасиз жонли ижро, халқ чолғу ансамбли ва симфоник оркестр жўрлигида ижро этиладиган 20га яқин театрлаштирилган саҳна кўриниши, кўшиқлар, алла оқопеллари ижро этилди.

Фестивалда янграган алла кўшиқлари ва саҳна чиқишлари халқимизнинг ардоқли, катта тажрибага эга бўлган онахон актрисалари Рихси Иброҳимова, Азиза Бегматова, Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Гулсанам Мамазоимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матлуба Дадабоева, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари Маъсума Болтаева, Гуласал Абдуллаева ва санъатимизнинг яна бир қатор намояндалари томонидан ижро этилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги вазифасини бажарувчи Баҳодир Аҳмедов таъкидлаганидек, алладан роҳатланмайдиган, ором топмайдиган дил йўқ, унинг ёш авлод тарбиясида тутган ўрни ҳақида

қанча сўзласак, оз. Шундай экан, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, кейинги авлодларга етказиш ва янада бойитиш ҳамда халқ ижодий намунасининг дурдонаси бўлган алла жанрини ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида тарғиб қилиш, оммалаштириш фестивалнинг асосий мақсадидир.

Фарзанд илк бор эзгулик ва яхшилик, меҳр ва садоқат, мардлик ва олижаноблик, гурур ва ифтихор, чин инсонийлик сабоғини оладиган бетакрор аллага бағишланган фестиваль барчага ўзгача ҳушнудлик, ижобий кайфият улашди. Тадбир давомида хорижий тилларда куйланган аллаларни ҳам тинглаб, англадикки, дунёдаги барча халқларни бир нарса — онанинг фарзандига бўлган меҳр-муҳаббати доимо умумлаштириб турар экан.

Ойни олиб берайми,
аллаё, алла,
Кунни олиб берайми,
аллаё, алла.
Беланчагинг бошига,
аллаё, алла,
Сара гуллар терайми,
аллаё алла!

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ КОМИЛЖОН МАМАЖОНОВ

Мамлакатимизнинг фаол фермерларидан бири, Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажонов вафот этди.

К.Мамажонов 1939 йили Тошлоқ туманида туғилди. Меҳнат фаолиятини дастлаб Тошлоқ туманидаги жамоа хўжалиги ишчиси вазифасидан бошлаб, кейинчалик Тошлоқ тумани жамоа хўжалиги механизатори, бригада бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. 2003 йилдан фермер хўжалиги бошлиғи сифатида самарали фаолият олиб борди.

К.Мамажонов ўзининг қарийб 60 йиллик фаолияти мобайнида пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида фидокорона меҳнат қилди. Айниқса, мустақиллик йилларида юртимизда фермерлик ҳаракатини ривож-

лантириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш, дала меҳнаткашларининг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш борасида ўзининг моҳир ташкилотчи, ташаббускор раҳбар сифатидаги фазилатларини намойён этди.

Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, Тошлоқ туманидаги қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, ёшларни ватанпарварлик ва истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, қишлоқ хўжалиги соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш ишларида ҳам ташаббус кўрсатди.

Унинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. К.Мама-



жонов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони ва «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотланган эди.

Моҳир қишлоқ хўжалиги ходими, камтарин ва меҳнаткаш инсон Комилжон Мамажоновнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ,
Д.ТОШМУХАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.ФАНИЕВ**

«Kamolot» loyihalari

ТАРҒИБОТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» ҳамда «Ёшлар ва сайлов» тарғибот лойиҳаларида фаол иштирок этган Тошкент давлат юридик университетининг бир гуруҳ ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари тақдирланди.

300 нафардан ортиқ ёш ҳуқуқшунос бир ой давомида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, ўрта-маҳсус, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда «тенгдош-тенгдошга» усулида ҳуқуқий тарғибот олиб борди. «Kamolot» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши, Адлия, Халқ таълими, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармалари, Маънавият тарғибот марказининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тарғибот тадбирларида ёшларга Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, конституциявий нормаларнинг ҳаётимиздаги татбиқи, сайлов қонунчилиги батафсил тушунтирилди.

Тарғибот лойиҳаларига 90 мингдан ошиқ аҳоли жалб қилинди, жойларда 450дан зиёд турли шакллардаги тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Ойликда фаол қатнашган тарғибот гуруҳининг 70 нафар аъзосини «Kamolot» ЁИХ шаҳар кенгаши ташаккурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирлади.

**Шерзод ПЎЛАТОВ,
Тошкент давлат юридик университетидаги
«Kamolot» ЁИХ бошланғич
ташкilotи етакчиси**

Миршоҳид Раҳимов:

«КЕЧАГИ КУН БИЛАН БУГУННИ ТАҚҚОСЛАБ БЎЛМАЙДИ...»



(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги арафасида Миршоҳид Раҳимов Президентимиз фармонида кўра «Шухрат» медални билан тақдирланди. Сухбатимизни ўша унутилмас воқеа ҳақидаги савол билан бошладик.

— Юксак мукофот билан тақдирланганингизни қаерда эшитдингиз?

— Хушxabар эшитган куннинг ҳар бир дақиқаси ёдда қолади. Уша куни одатдагидек ишга келдим. Янгиликларни билиш мақсадида газеталарни varaқладим... Мукофотланганлар орасида ўзимнинг исм-фамилиямни кўриб қандай ҳисларни туйганимни сўз билан ифода-лаб беролмайдим. Лекин сал ҳаяжонимни босиб, ўйлаб қолганим рост: демак, инсон, у қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ўз

бурч ва вазифаларини чин кўнгилдан бажариши, эл-юртга холис хизмат қилиши керак экан-да. Инсон қадрни баланд, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат руҳи ҳукм сурадиган юртимизда меҳнат қилган киши, албатта унинг роҳатини кўради. Камтарона меҳнатларимизни юксак баҳолаб, шундай мукофот билан тақдирлаган Юртбошимиздан миннатдорман!

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туфайли бугун телевидениемиз энг замонавий техник ускуналар билан жиҳозланди. Бундан бир неча йиллар олдин аналог тизимида кўрсатувлар эфирга узатилган бўлса, айна пайтда дастурларимиз рақамли тизимда эфирга узатилмоқда. Бу тасвирнинг тиниқ ва сифатлигини таъминлади. Барча жараёнлар компьютер орқали амалга ошириляётгани, иш суръатини оширди. Эндиликда бир кўрсатувни тайёрлаш учун узоқ вақт сарф-

ламаймиз.

Яқин келажақда суратга олиш жараёни ҳам тўлиқ рақамли тизимга ўтади. Тўғридан-тўғри трансляциялар, турли репортажлар тез фурсатда компьютер графикаси орқали қайта ишланиб, томошабин эътиборига ҳавола қилинади. Бу жараёнда биз, техник ва ижодий ходимлардан фақат бир нарса — яна ҳам кўпроқ изланиб, меҳнат қилиш талаб этилади, холос.

— Миршоҳид ака, «Спорт» телеканали деярли барча нуфузли мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатиб келмоқда. Хусусан, футбол бўйича миллий чемпионати-миз ўйинлари ҳам мухлисларга намойиш этилади. Лекин нима учун вилоятларда бўладиган аксарият ўйинлар тўғридан-тўғри эфирга узатилмайди? Спорт мухлислари, шунингдек, жаҳоннинг энг кучли бешта миллий чемпионати ўйинларини кўришни ҳам истайди.

— Албатта, миллий чемпионатимизнинг асосий ўйинлари тўғридан-тўғри ва ёзиб олинган ҳолда намойиш этиб келинади. Бироқ барча ўйинларни ҳам тўғридан-тўғри кўрсата олмаслигимизнинг сабабини айтиб ўтсам. Масалан, чемпионатнинг аксарият ўйинлари бир вақтда бошланади. Қолаверса, томошабинлар қизиқишини эътиборга олган ҳолда, турнинг энг марказий ўйинларини намойиш этишга ҳаракат қила-

миз. Шунингдек, Ўзбекистон кубоги финал ўйинлари ҳам доимий эътиборимизда. Бу йил ҳам финал учрашуви тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

«Кучли бешлик» ҳақидаги саволингизга келсак, ҳозирча фақат сунъий йўлдош орқали олиниши мумкин бўлган ўйинларни тўғридан-тўғри намойиш этияпмиз. Кузатиб бораётган бўлсангиз, Германия бундеслигаси, Франция биринчи дивизиони сингари энг кучли бешта чемпионатга кирувчи миллий биринчиликларнинг қизиқарли ўйинлари намойиш этиб келинмоқда.

— Журналистикага қизиқувчи кўп тенгдошларимиз машҳур бўлишни истайди. Бу, менимча, табиий ҳол бўлса керак. Лекин кўп устозларимиз бизга машҳур бўлишдан олдин профессионал бўлинглар, дейди.

«Спорт» телеканалда амалиёт ўтаётган ёшлар кўп. Улар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Устозларингизнинг фикрига тўлиқ қўшиламан.

Телеканалимизда амалиёт ўтаётган ёшлар ҳақида ижобий фикрдаман. Улар билан ишлаган одам ўзи ҳам яшариб кетади. Баъзан тажрибали ходимлардан чикмаган фикр амалиётчи журналистлардан чиқиб қолиши мумкин. Бироқ уларда етишмаётган нарса-лар ҳам бор. Масалан, сабр. Бизнинг касбимиз футбол ўйини эмас. Биласиз, бу жозибали спорт турида дунёга танилиш учун ўн

дақиқа ичида иккита гол уриш ҳам баъзан кифоя қилади. Оммавий ахборот воситаларида эса киши ўз ўрнини топиши учун йил-ла меҳнат қилишга тўғри келади. Битта яхши кўрсатув қилиш — бу ҳали зўр журналист бўлиб етишдим, дегани эмас. Кўрсатув тайёр бўлди, эфирга узатилди, томошабинга маъқул тушди — унутманг, бу ҳали ишнинг, фаолиятнинг бошланиши. Энди муҳлис сиздан бундан ҳам мазмунли ва қизиқарлироқ кўрсатув кутади. Унинг ишончини оқлаш, меҳрини қозониш учун тинимсиз изланиш керак.

Телеканалимизга иқтидорли журналистлар жалб қилинган. Адабий тилни яхши биладиган ёш суҳбатдонлар, бошловчилар шартнома асосида ишляпти. Кўп йиллардан буён устоз-шоғирдлик аънаси давом этиб келаётгани — меҳнат жамоамизнинг ютуғидир. Ёшларимиз малакали ходимлардан касб сирларини ўрганади. «Менинг танловим» кўрсатувида Севара Султонова, «Эстафета» кўрсатувида Феруза Фаниева, «Маҳорат мактаби» кўрсатувида Наргиза Орифонова, «Спорт экспресс» кўрсатувида Муножат Икромова каби ёш журналистлар фаолият олиб бормоқда.

— Фаолиятингизни бошлаган даврингиз билан бугунги кунни таққослаганингизда қандай тафовутларни кўрасиз?

— Йигирма йилдан буён шу соҳада хизмат қилаётган бўлсам, кўп ўзгаришлар, янгиланишлар гувоҳи бўлдим. Авваллари барча лавҳалар кассетага ёзиб олиниб,

монтаж қилинган бўлса, ҳозир қайта ишлаш жараёни компьютер воситасида амалга оширилади. Бу энг оддий ўзгаришлардан биттаси. Техника ва технологиялар билан боғлиқ кўп ўзгаришлар ҳақида гапириб беришим мумкин. Энг асосийси, бугун телевидение томошабин хоҳишига кўра ишлаш тамойилига ўтди. Бу бундан дунёда кузатиляётган ҳолатдир.

— Ўзингиз қайси спорт турига қизиқасиз?

— Енгил атлетикага қизиқаман. Ёшлигимда ҳам бу спорт тури билан анча йиллар давомида шуғулланганман. У инсон учун жуда фойдали. Нафақат ёшлар, балки катта ёшли кишилар ҳам спорт билан доимо шуғулланиши керак. Енгил атлетика билан шуғулланиш эса жуда осон ва қулайдир. Енгилгина кроссовка, спорт формасини киясиз ва хоҳланг, стадионда, хоҳланг, ҳовлингизда ёки кўчада югурасиз. Бўлди. Фақат буни мунтазам қилишингиз керак. Бир кун югуриб, икки кун «вақтингиз бўлмай қoлиши» яхши эмас. Инсон ўз саломатлиги учун ҳеч нарса, ҳатто энг қиммат бойлик саналмиш вақтини ҳам асло аямаслиги зарур. Баъзи одамлар бор, спорт билан шуғулланиб тураман, дейди. Сўрасангиз, ҳафтада бир-икки марта яқин дўстлари билан футбол ўйнаб турадиган бўлади. Бу спорт билан шуғулланишга кирмайди. Спортда мунтазамлик шарт. Мен ҳар куни югураман, машқ қиламан. Ҳеч бўлмаганда, камиди бир-икки километр яёв юришга ҳаракат қиламан.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш иш унумига ҳам ижобий таъсир қилади. Умрида спорт билан шуғулланиб кўрмаган, ланж одамнинг иши ҳам ўзига ўхшаган бўлади.

**ЎзДЖТУ талабаси
Абдулазиз МУСАЕВ
суҳбатлашди.**

2014-yil — Sog'lom bola yili

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш масаласи умуммиллий ишга айланган. Истиқлол йилларида бу йўналишда меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида профилактик тадбирларни режали ташкил этиш, тиббиёт соҳасининг моддий-техник имкониятларини кенгайтириш, ёшларнинг соғлом оила қуришга интилишини рағбатлантириш, аҳолининг тиббий саводхонлигини юксалтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Биргина тиббий таълим йўналишида кейинги вақтда юз бераётган янгиланиш жараёнлари, замонавий педагогик технологиялар, мультимедиа воситаларининг кенг жорий этилиши ва ўқув муассасаларининг сўнгги русумдаги лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси билан таъминланаётгани профессор-ўқитувчилардан ҳам замон билан ҳамқадам изланишни талаб қилмоқда. Айниқса, тиббиёт соҳасида ёшларни илм-фан сирларини чуқур ўзлаштиришга йўналтириш, иқтидорларини илмий фаолиятга жалб этиш, уларга ўз интеллектуал салоҳиятини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиш ва хорижий илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатишда амалий кўмак бериш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бу борада, айниқса, ёшларга ибрат бўлиш, келажакимиз ворисларини четдан кириб келаётган турли хавф-хатар ва мафкуравий таъсирлардан асраб-авайлаш масалалари алоҳида ёндашувни талаб этаётгани сир эмас.

Президентимизнинг жорий йил 1 августда қабул қилинган «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори яқин истиқболда мазкур соҳада амалга ошириладиган кенг кўламли ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ифода этади.

Ҳозирда деярли барча маҳаллаларда аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган «Соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш» мавзуида ўтказилаётган тадбирлар ижобий самара бермоқда. Мазкур тадбирларда ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва тарқалишига қарши курашиш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, республика миқёсида режали тарзда ўтказиб келинаётган мониторинг ҳафталиқлари доирасида Тошкент тиббиёт академияси ва клиникалари, ТошПТИ ва клиникаси, ТошВМОИ, Республика перинатал маркази, Республика их-

тисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия ва аҳоли репродуктив саломатлиги илмий-амалий марказларидаги юқори малакали мутахассисларнинг барча ҳудудларда бирламчи бўлин тиббий ходимларга амалий ёрдам бераётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Андижон вилоятида ҳам етакчи мутахассис, профессор-ўқитувчилар иштирокидаги «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» ҳафталик акцияларида ўн минглаб катта ёшдаги фуқаролар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантиришга мўлжалланган инвестиция дастурлари доирасида тиббиёт объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Биргина «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш асосида туман тиббиёт бирлашмалари, оилавий поликлиникалар замонавий жарроҳлик ва гинекологик жиҳозлар тўпламлари, офтальмоскоплар, шпатель, тарозилар, бўй ўлчагич, УТТ аппарати, портатив ЭКГ, гастродиброскоп, музлаткич ва шприцли насос каби тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.

Юқумли касалликларни камайитиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида болалар гепатит В, сил, полиомелит, қизамиқ-паротит-қизилча, дифтерия, кўкйўтал, қокшолга қарши эмлаш билан қамраб олинаётгани, миллий эмлаш календарига янги ротавирус вакцинасининг киритилгани, касалликларнинг эпидемик кўтарилиш мавсуми ҳисобга олинган ҳолда эмлаш ишлари бўйича режа ишлаб чиқилгани самарадорликни таъминламоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таълим муассасаларида тиббий хизматни янада такомиллаштириш юзасидан Ҳалқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда қабул қилинган қўшма қарорлари барча турдаги таълим муассасаларида тиббий-санитария хизматини такомиллаштириш бўйича ишларни режали тарзда амалга ошириш имконини бермоқда. Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни барвақт аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар доирасида мактабгача ёшдаги, умумтаълим мактаб-

ри ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий-профилактик кўриқдан ўтказилди.

Вилоятимизда, оилавий поликлиникаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва тиббиёт ходимларининг юқори касбий тайёргарлигини таъминлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида мутахассисларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари олиб борилмоқда. Мамлакатимиз бўйича беш минг нафардан зиёд акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатр Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида замонавий технологияларни жорий этиш бўйича махсус курсларда ўқитилгани жойларда тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш имконини берди.

Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида туғруқхоналарни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш, мутахассисларни самарали перинатал дастури бўйича ўқитиш, аёллар ва болалар ўлимининг олдини олиш юзасидан реанимация хоналарида барча шароитларни яратиш, педиатрия стационарларида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш сингари сезиларли ўзгаришлар ёш мутахассислар иштирокида амалга оширилаётгани улар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўташи шубҳасиз.

Соҳадаги ислохотлар натижасида кўплаб халқаро ташкилотлар, йирик тиббий марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилаётгани айниқса қувонарлидир. Хусусан, яқинда «Operation Smile» халқаро хайрия ташкилотининг Сингапурда жойлашган бўлимидаги тиббиёт мутахассисларининг мамлакатимизга ташрифи, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг қатор тиббий-ижтимоий лойиҳалари алоҳида эътирофга муносиб. Мазкур ҳамкорлик доирасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида навбатдаги хайрия тадбири уюштирилди. Сингапурлик бир гуруҳ шифокорлар — пластик жарроҳ, анестезиолог, ортодантист, педиатр, реаниматологлар қарийб бир ҳафта мобайнида юқори лаб ва танглайда тўғма нуқсонни бор болаларни тиббий кўриқдан ўтказди, уларнинг айримларига жарроҳлик йўли билан тиббий ёрдам кўрсатди.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида халқаро савдо-иқтисодий, сайёҳлик ва бошқа алоқаларнинг жадал суръатларда ривожланиши, айниқса, ҳаво транспорти орқали йўловчи қатновининг кенгайиши дунёнинг исталган давлатида юқумли касалликлар қириб келиши ва тарқалиши хавфини юзага келтиради. Шу боис вилоятимизда бундай касалликлар тарқалишининг олдини олиш

бўйича тиббиёт ходимларининг хушёрлигини ошириш мақсадида санитария-эпидемиология назорати марказлари мутахассислари, юқумли касалликлар шифокорлари ва вирусологлар иштирокида юқумли касалликлар этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхиси, даволаш усуллари, профилактикаси ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларига бағишланган учрашув ва тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бундай касалликларга қарши курашининг энг самарали усули аҳоли ўртасида санитария-эпидемиология тадбирларини юқори савияда ташкил этиш ва тарғиботни кенгайтиришдан иборат.

Инсон ҳаётига таҳдид соладиган хасталиқлардан ҳар бир фуқаро огоҳ бўлиши, унинг олдини олишга ҳаракат қилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамоат ташкилотлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, саломатлик марказлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ана шундай аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар, кенг кўламли ислохотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон жаҳон фаровонлик рейтингига янада юқори поғонага кўтарилди. «Legatum» институти томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон мазкур рейтингда бир йил ичида олти поғона юқорига кўтарилди, 57-ўринни эгаллади. Экспертлар хулосасига кўра, мамлакатимиз умумлаштирилган «ижтимоий тараққиёт» кўрсаткичи бўйича дунёда 16-ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Юртимиз таълим ва соғлиқни сақлаш тизими сифати, узоқ умр кўриш даражаси, шунингдек, болалар ўлимининг пастлиги, кам сонли миллатларга нисбатан баргикенглик, оилаларнинг барқарорлиги каби йўналишларда юқори ижтимоий кўрсаткичлари билан БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар, таҳлил институтларининг объектив маълумотлари асосида шаклландиган ана шундай рейтингда муносиб баҳоланаётгани бизга ифтихор бағишлайди.

Ҳозирда аҳолига нейрохирургия йўналишида ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш, диагностика ва даволаш жараёнлари такомиллаштирилиб, йўналишда замонавий стандартлар жорий этилмоқда. Нейрохирургияга янги технологиялар ва илм-фан ютуқларини татбиқ этилиши натижасида болалар нейрохирургияси, нейроонкология, миниинвазив ва эндоскопик нейрохирургия, орқа мия, бош мия қон-томир ва умуртқа поғонаси нейрохирургияси каби замонавий йўналишларда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Кейинги вақтда юрти-

мизда «Шошилич тиббий ёрдамда нур диагностикаси ва интервенцион радиология», «Нейрохирургиянинг долзарб муаммолари» каби мавзуларда халқаро илмий-амалий конференцияларнинг ташкил этилиши тиббиётнинг бундай мураккаб йўналишларида ҳам миллий мактабимиз шаклланиб, халқаро миқёсда тан олинаётганини ифода этади.

Вилоятимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш, аҳолининг барча қатламига жаҳон андозалари даражасида тиббий ёрдам кўрсатишининг самарали тизими яратилиши билан болаларга шошилич ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари жаҳон андозалари даражасида такомиллаштириб бораётганини алоҳида қайд этиш мумкин. «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастурини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги яхши натижа бермоқда.

Тиббиёт соҳасида эришилаётган бундай ютуқлар Ўзбекистон БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараёнда фаол иштирок этаётгани ва бу борада давлатимиз ўз вазифаларини муваффақиятли бажараётганини кўрсатади.

Жорий йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган аллома ва мутафаккирларнинг илмий мероси чуқур таҳлил қилиниб, замонавий цивилизация ривожини дағи ўрни ва ролига муносиб баҳо берилгани бежиз эмас. Унда Президентимиз Ибн Сино бобомизнинг жаҳон илм-фани, хусусан, медицина тараққиётига қўшган ҳиссаси хусусида алоҳида тўхталиб, унинг ҳаёти ва фаолияти бизга алоҳида гурур бағишлашини қайд этди. Биргина «Тиб қонунлари» асаридида касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, соғлом турмуш тарзи, бош мия, ички ва ҳаракат аъзолари, безлар ҳолатлари, юқумли хасталиклар, ўсмалар, ялиғланишлар, бўғин ва суяклардаги оғриқлар, дори турлари ва уларнинг тайёрланиши, таъсири, шифобахш хусусиятлари атрофича ёритиб берилган. Бу асар тиббиёт тараққиётини таъминлагани, амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларига асос солгани ва қарийб беш юз йил давомида дунёнинг етакчи университетларида ўрганиб келингани бежиз эмас. Юртбошимиз халқаро конференцияда ёшларга қарата «Буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, гурурланишимиз керак. Айни пайтда фақат гурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам улар каби мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!», дея даъват қилгани биз, устоз-мураббийлар зиммасига янги масъулият юклайди.

Нўманжон МИРЗАЮЛДАШЕВ,
Андижон давлат тиббиёт институти травматология, ортопедия, нейрохирургия ва талафотлар тиббиёти кафедраси доценти

ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДАГИ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

(Давоми,
бошланиши 1-саҳифада)

Ҳозир порталда «Савол-жавоблар», «Таълим», «Кутубхона», «Сайтлар», «Арбоблар», «Тадбирлар», «Ҳайвонлар», «Муассасалар», «Гуруҳлар», «Хорижий тиллар», «Иқтидорли ёшлар» бўлимлари мавжуд.

— Эндиликда Ziyonet ижтимоий тармоқ вазифасини ҳам бажармоқда, — дейди Ziyonet ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими етакчи мутахассиси Гулчехра Иброҳимова. — Зеро, бугунги ўқувчи тайёр ахборотни истеъмол қилибгина қолмай, ўзи ҳам ахборот яратиш, бошқалар билан бўлишишни хоҳлайди. Портал шундай имкониятни тақдим этган. Масалан, ёшлар ўзларига дўстлар танлаб, улар билан фикр алмашиши, шахсий блог, сайт ва электрон почта қутиси (uMail.uz)ни очиши, виртуал гуруҳлар тузиши, турли мавзуларда форум уюштириши, фикр алмашиши ва муҳокамаларда иштирок этиши, фотоальбомлар яратиши, медиа файллар киритиб бориши мумкин. Тизимга республикамиздаги барча таълим муассасаларининг рўйхати, манзили ва телефон рақамлари киритилган. Шу боис синфдош ёки курсдошлар учун алоҳида гуруҳ очиш, уларни қидириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Онлайн савол-жавоблар тармоқдаги мутлақо янги хизмат тури ҳисобланади. Махсус бўлим реал вақт шароитида портал маъмури ҳамда фойдаланувчилари билан мулоқот қилиб, ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб топиш имконини беради.

Ziyonet маконида интернетдаги машҳур халқаро ижтимоий ахборот ресурсларининг ўзбекча аналоглари яратилган. Шулардан бири 18 мингта медиамаҳсулотни ўз ичига олган uTube.uz видеопорталидир. Эътиборлиси, ўзбекча uTube га жойлаштирилган видеороликларнинг 200тага яқини Соғлом бола йилига бағишланади.

Таъкидлаш керак, «Соғлом бола йили» мавзуси йил давомида Ziyonet порталининг бошқа йирик лойиҳаси — Fikr.uz (ўзбек тилидаги блоглар сайти)да ҳам фаол муҳокама қилинди. Шу муносабат билан сайтда «Фарзандлари соғлом юрт...», «Малакали педиатрлар тавсиялари», «Ёш оналар ва кичкинтойлар учун» блоглари ташкил этилиб, уларда мавзу юзасидан тавсия, методик қўлланма, мақола ва бошқа турли материаллар бериб борилмоқда. Кириб келаётган 2015 йил учун



эса Fikr.uzда «Кексалар иззатда», «Қариси бор уй — фариштали уй» каби блоглар очилган.

— Шу йил давомида порталимизда энг кўп фойдаланилган манбалардан бири «Ҳайвонлар» флеш дастури бўлди, — дейди Гулчехра Иброҳимова. — Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Биринчидан, Ziyonet тармоғидаги барча Ҳайвонлар педагог ва психологлар иштирокида болалар ёшига мослаб яратилган. Иккинчидан, улар ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. Боз устига, аксариятида миллий қадриятларимиз, маданий ва маънавий меросимиз тарғиб қилинади. Таъкидлаш жоиз, «Ҳайвонлар» бўлими болажонлардан ҳам кўпроқ уларнинг ота-оналари эътиборини жалб қила олди. Зеро, Ziyonet портали ота-оналарга фарзандини ахлоқсизлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи эмас, фойдали компьютер Ҳайвонлари билан машғул этишда ёрдам бермоқда.

Яна бир маълумот: юртимиздаги ягона ахборот-таълим тармоғи инглиз тилини ўрганувчилар учун бепул репетитор сифатида хизмат қилади. 2013 йилда унда чет тилларни ўргатувчи алоҳида бўлим ташкил қилинган. Бўлим 370дан зиёд ўқув материаллари билан таъминланган. Мазкур таълим ресурси кичкинтой, ўсмир ва талабалар учун мўлжалланган бўлиб, инглиз, француз, немис, испан каби хорижий тилларни мустақил равишда ва босқичма-босқич ўрганиш имконини беради. Мухими, фойдаланувчиларнинг ёш хусусиятлари эътиборга олинган. Айтайлик, кичик ёшдаги болаларга инглиз алифбосини ахборот-коммуникация технологиялари асосида расми тақдимотлар кўринишида танитиш самаралироқ. Шу мақсадда порталга кичкинтойлар учун махсус ишлаб чиқилган «Picture dictionary» материаллари жойлаштирилди.

Тил ўргатиш хизмати Ziyonet порталининг «Кутубхо-

на» ва «Ҳайвонлар» бўлимлари, Fikr.uz ва uTube.uz сайтларида ҳам мавжуд. Биргина uTube.uz да шунга доир 1429та видеоролик жамланган. Fikr.uz сайтида эса «Чет тили», «IELTS materials», «ICT for English Teachers» блоглари юритилди. Шунингдек, «Ҳайвонлар» бўлимига инглиз тилини ўргатувчи 429та Ҳайвонлар ҳамда дидактик материаллар киритилган. Барча манбалар ягона «Learning foreign languages» манзили орқали бир-бири билан боғланади. Бу эса уларни топиш учун жуда қулайдир.

«Кутубхона» бўлими Ziyonet тармоғининг ҳақиқий зиё манбаи десак адашмаймиз. Электрон кутубхона 65 мингдан зиёд адабиёт фондига эга. Жумладан, унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мўлжалланган барча дарсликларнинг электрон нусхаларини топиш мумкин. Яқинда Ziyonet мактаб ўқувчиларига электрон дарсликлардан фойдаланишнинг бошқа қулай усулини тақдим этди. Бу уяли алоқа воситалари учун ишлаб чиқилган «E-darslik» мобил дастуридир. Ҳозир ушбу дастурга 40дан ортиқ дарслик киритилган.

Янги мингйилликда шиддат билан давом этаётган технологик тараққиёт кўплаб соҳалар қатори таълимда туб ўзгаришлар ясамоқда. Замонавий ахборот технологиялари таълим олишни ҳамма учун қизиқарли жараёнга айлантира олгани рост. Бугунги кун олимларининг «XXI асрда ахборотлардан фойдаланишни билмаган киши, XX асрда ўқиш ва ёзишни билмаган одамга ўхшайди» деган таъбири АКТ ҳаётимизда нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини тасдиқлагандек гўё. Ўзбекистонлик минглаб ўқувчиларга таълимнинг янги имкониятларини очиб берган Ziyonet ягона ахборот-таълим тармоғи янги йилда ҳам ривожланишда давом этади.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири

2014-yil — Sogʻlom bola yili

Андижон шаҳрида янги бунёд этилган мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кичкинтойлар учун унутиммас софга

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов иштирок этиб, бугун юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим олиб, етук инсонлар бўлиб камол топиши учун барча шароит яратилгани, мазкур муассаса юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси эканини таъкидлади.

«Андижон биокимё заводи» акциядорлик жамияти қурувчилари барпо этган муассаса 125 ўринга мўлжалланган.

МТМдаги шароитлар, минифутбол, волейбол ва баскетбол, турли эртақ қаҳрамонлари акс этган Ҳайвон майдончалари, ёзги ва қишки чўмилиш ҳавзалари, ёзги айвончалар, чет тили, мусиқа, спорт машғулотлари учун мўлжалланган ҳамда маънавий хоналарида яратилган қулайликлар ота-оналарга манзур бўлди.

Миролим ИСАЖОНОВ

«Kamolot» loyihalari

Табиий ресурслар чексиз эмас

Жиззах шаҳридаги 22-мактабда «Ёшлар Экоҳаётни танлайди!» мавзусида инфо-сессия бўлиб ўтди.

Экологик муаммолар, табиий ресурслардан ҳаддан зиёд кўп фойдаланиш оқибатида келиб чиқадиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда тежамкорлик усулларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур инфо-сессияни «Ёшлар Экоҳаётни танлайди!» лойиҳасининг Жиззах вилояти бўйича тренери Шаҳзода Маматқулова олиб борди.

— Бугунги тренинг аввалгиларидан ўзгача бўлди, чунки ўқувчиларнинг табиатга, атроф-муҳитни асраб-авайлашга нисбатан эътиборсиз эмаслиги кишини қувонтиради, — дейди Шаҳзода Маматқулова. Инфо-сессия давомида

ўқувчиларга мақсад ва вазифалар тушунтирилди. Ёшларнинг глобал экологик муаммолар тўғрисидаги билимларини синондан ўтказиш мақсадида анкеталар тарқатилди. Шундан сўнг лойиҳа тренери томонидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларнинг салбий оқибатлари, тежамкорликнинг асосий усуллари ҳақида маълумот берилди. Инфо-сессия якунида иштирокчиларнинг билимлари таҳлил қилинди.

Шаҳзод ТУРСУНОВ,
«Kamolot» ЁИҲ Жиззах
вилояти кенгаши матбуот
котиби



Талаба ва ўқувчилар мунозараси

Гулистон давлат университетиде Ҳаракатнинг Сирдарё вилояти кенгаши қошидаги «Мунозара» тўғараги аъзолари ўртасида «Техника тараққиёти ҳаётимизга ижобий таъсир этади» мавзусида интеллектуал беллашув бўлиб ўтди.

Унда университетнинг «Тарғибот» ҳамда Гулистон тиббиёт коллежининг «Интеллект» жамоалари иштирок этди.

Мунозара жараёни ҳар бир жамоа нотикларининг чиқиши, келтирилган далил-исботларнинг ишончли ва ҳаққонийлигига қараб ҳакамлар томонидан баҳоланди.

Яқунда «Тарғибот» жамоаси ғолиб бўлди.

Элёр ЖўРАЕВ

E'tibor

ЯНГИ ЙИЛГА УЙЛАР СОВФА



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, хусусан, яшаш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимизнинг бундай ғамхўрлигидан баҳраманд ёш оилалар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Яқинда Фарғона шаҳрида 33та ёш оилага янги уй қалитларининг топширилгани ана шу хайрли ишларнинг ёрқин намунаси бўлди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидан меҳнат қилаётган ёшларнинг оилалари учун мўлжалланган, замонавий лойиҳалар асосида қайта таъмирланган мазкур кўп қаватли тураржой биноси барча шароит ва қулайликларга эга.

— Икки йилдан буён Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 9-цеҳида муҳандис-дастурчи бўлиб ишлайман, — дейди янги уй соҳибларидан бири Авазбек Избоев. — Шу кунга қадар Фарғона шаҳридан юз километр узоқда жойлашган Фурқат туманидан қатнаб ишлардим. Янги йилни янги уйда кутиб олаётганимдан хурсандман. Айниқса, бундан оилам бахтиёр. Уйимизга яқин жойда «Кимёгарлар» боғи, поликлиника, мактаб, боғча бор. Бундай

шароитда бахтли ҳаёт кечириб, самарали меҳнат қилиш мумкин.

Вилоятда бундай хайрли ишлар давом этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Учкўприк, Тошлоқ, Қувасой туманларида кўп қаватли «Камолот» уйлари барпо этилмоқда. Яқин кунларда улар ҳам тантанали равишда ўз эгаларига топширилади.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳоқими Ш.Фаниев сўзга чиқди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

«O'zbekiston belgisi» ko'krak nishoni sohiblari

Суннатилло Фазлиев,
Тошкент фармацевтика
инститuti талабаси,
халқаро Менделеев
олимпиадасининг кумуш
ва бронза медаллари
соҳиби:



— Бухоро давлат университети қошидаги Қорақўл академик лицейи (аввалги гимназия)да таълим олдим. 9-синфда фан олимпиадасининг муқобил тизими — «Билимлар беллашуви»да иштирок этиб, кимё фанидан республика босқичида ғолиб бўлдим.

Ўтган йили Тошкент шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида 3-ўрин, бу йил эса Москва шаҳрида бўлиб ўтган мазкур нуфузли беллашувда 2-ўринни қўлга киритдим. Бу воқеалар ҳаётимда ўчмас из қолдирди.

Ота-онам мени ҳамиша ўқиш, илм эгаллашга йўналтирган.

Юртимизда биз, ёшларнинг хоҳлаган соҳа бўйича мукамал таълим олишимиз учун барча шароитлар муҳайё этилгани юксак марраларга етишимизда асосий омил бўлмоқда. Республикаимиздаги ҳар бир умумтаълим мактаби, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кимё, биология ва физика ўқув хоналарига эга. Халқаро фан олимпиадасига мен ана шундай шароитларда тайёрландим. Ўзбекистонлик ўқувчилар ҳар йили кимё ва бошқа фанлардан ўтказиладиган халқаро ҳамда жаҳон фан олимпиадаларида юқори натижалар кўрса-

таётганининг ўзи мамлакатимизда таълим сифати нечоғлик юқори эканини тақдирлайди.

Асосийси, меҳнат ва муваффақиётларимиз ҳамиша давлатимиз эътиборида ва янада қувонарлиси, улар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Ўтаётган йил мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Ўн тўққиз ёшимда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати юзлаб иқтидорли ёшлар ичидан айнан менинг ютуқларимни шу мукофотга муносиб деб топгани, албатта, кишига чексиз мамнуният бағишлайди.

Маънавий рағбат мен учун бирламчи. Чунки бунинг замирида Ватан ва халқ ишончи мужассам. Келгуси фаолиятимда менга билдирилган катта ишончни оқлашга, Ўзбекистон шон-шарафини янада юксалтиришга ҳаракат қиламан.

Xolis nigoh

Пул санаётган бола...

Оиламиз билан энгил машинада узоқ йўлга отландик. Автомобиль бир маромда юради — йўллар равон. Тамадди қилгингиз келса, марҳамат, ошхоналарда хоҳлаган овқатингиз бор — фаровонлик.

Кун сайин дид билан қурилаётган янги, замонавий биноларни томоша қилиб кетарканман, халқимизнинг бунёдкорлигига тан бериб, завқим ошди. Шундоққина йўл ёқасида жойлашган замонавий ўқув биноларини кўриб, фарзандларимизнинг шундай жойларда таълим олаётганидан тўлқинланаман. Бироқ ёшларнинг ўқиб-ўрганиши учун барча шароитлар етарли, тўқис қилиб берилаётган бир пайтда айрим ота-оналарнинг фарзанди келажига бефарқ

эканидан хавотирга тушсан, киши.

— Машинадан тушиб туринглар, бензин қуйиб олай, — деди турмуш ўртоғим.

Тушиб ўриндиққа ўтирдик.

— Ойи, қаранг, анави сотувчи қизчани, — деди қизим автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ёнида сув сотиб ўтирган қизалоққа қараб.

Шу пайт бир аёл, «Жойингда ўтирсанг бўлмайди-ми, у ёқ-бу ёққа кетиб қолмасдан», дея қизчага бақирди.

Болам тенги қизнинг юпун кийинганини кўриб, раҳмим келди. Дарсдан қолиб «тирикчилик» қилаётганига ачиндим. Қизчага яқинлашиб, аста сўрадим:

— Мактабга бормадингми?

— Йўқ.

— Қайси фанни яхши кўрасан?

— Адабиёт дарсини.

— Келажакда ким бўлмоқчисан?

— Билмадим... Ойим билади.

Қизчанинг ойиси билан бироз гаплашдим.

— Қизингизни нега мактабга юбормайсиз. Дарслардан қолиб кетса, яхшими? — дедим.

— Унинг ташвишини қилмай қўяқолинг, — дея она

пул санашда давом этди...

Машинага чиқдик. Кўнглим ғаш бўлди, ҳаёлимдан қизчанинг чеҳраси анчагача кетмади.

Айни билим эгаллайдиган, ҳунар ўрганадиган пайтида қизчага тирикчилик ташвишини юқлаб қўйишга ота-онанинг қандай кўзи қийди экан? Эҳтимол, ўқитувларнинг қизингиз нега дарсга келмаяпти, деган саволига ҳам она пул санашни «ўргатаётганини» пеш қилаётгандир. Бундай лоқайд оналарни, келажакда фарзандим жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топа оладими, деган ўйлар хавотирга солмасмикан?!

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» муҳбири



Ижодий таҳаллуסי пичоқчилик ҳунари билан боғлиқ машҳур ўзбек шоири ким?

Жавобингизни 26 декабрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Сув

Сардоба туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сарвиноз Сангинова тўғри жавоб йўллади.

Тлафракқур қилмондан бир қайра

Одам борки, одамларнинг нақшидур,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур.

Алишер Навоий

Turkiston

МУАССИС

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6996



БОШ МУҲАРРИР

**Каримов
Фахриддин Турдалиевич**

Тахрир ҳайъати

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул
котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Молодёжь Узбекистана»), Елена
Калинина (масъул котиб — «Молодёжь
Узбекистана»), Рустам Қосимов

**Навбатчи
муҳаррир**

Рўзикулов
Дилшод
Шухрат ўғли

Саҳифаловчи

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «**Буюк Турон**» кўчаси, 41.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоסי келишилган нархда.

Буюртма Г-1256.
Адади — 6187

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30
ЎЗА якуни — 21.00

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5